




ТОШКЕНТ



ШАХАР
ИЖТИМОЙ-
СИЁСIIY
ГАЗЕТАСИ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 144 (9.488) 2000 йил 6 декабрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРАН ОЛАНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига муқаддас Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан хорижий мамлакатларнинг давлат раҳбарларидан дил ихозри битилган қутловлар келиши давом этмоқда.

◆ **Кеча** Олий Мажлис Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитасининг бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг «Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси ҳақидаги ахборот тингланди. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон Республикасининг «Шаҳар йўловчилар транспортидан белул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунининг Тошкент, Андижон, Урганч ва Навоий шаҳарларида қай даражада баҳарилаётганлиги кўриб чиқилди.

◆ Сирдарё вилояти ҳокимлигида 2001 йил ҳосили учун пухта замин яратиш бўйича белгиланган тadbирлар қандай баҳарилаётганига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

◆ Ташқи Иқтисодий алоқалар вазирлигида «Ўзбекистон – Европа Иттифоқи» ҳамкорлик қўмитасининг савдо ва инвестиция масалалари бўйича ёрдамчи қўмитасининг биринчи мажлиси ўтказилди.

◆ **Эртага** пойтахтимиздаги муқтадам «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўнига бағишланган тантанали йиғилиш ўтказилади.

◆ Бобур номидаги халқаро илмий экспедициянинг Шарқий Осиё мамлакатларига уюштирган илмий сафарининг навбатдаги босқичи ниҳоясига етганлиги муносабати билан Тошкентда экспедиция аъзолари сафар якунларига бағишланган матбуот конференцияси ўтказди.



◆ Миллий матбуот марказида Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи талаба ва ўқитувчиларининг Ўзбекистон Бош вазирининг раиси, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Фулмова билан «Аёл ва ҳуқуқ» мавзусига бағишланган уюштуруш бўлиб ўтди.

◆ Жиззаҳда «Жаҳолатга қарши маърифат ва санъат: XXI аср мусавфо осмони учун», деб номланган оммавий ёшлар анжумани бўлиб ўтди. Ушбу тadbир вилоят марказидаги Олимпия ўринбосарлари спорт коллежининг очилиши тантаналари билан уйғунлашиб кетди.

8 декабрь –
Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси кўни



ҚОМУСИМИЗ –
ИФТИХОРИМИЗ



ДИЛ СЎЗЛАРИ

Рони Ҳидоят ГАСТИНА,
Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги
Фавқуллодда ва Мухтор элчиси:

– Ҳар қандай давлатнинг Конституциясидаги ҳақиқий маъно ва мақсадни аниқлаш учун биз уни қандай шароитда ва қайси тарихий ва ижтимоий асосларга асосланиб қабул қилинганлигини, унинг давлат ривожини йўлида тугган ўрнини билишимиз лозим. Чунинчи, ўтган қисқа давр ичида мустақил Ўзбекистон нафақат давлат тараққиёти йўлида, балки жаҳон ҳамжамиятидан мустақам ўрин олиш борасида ҳам ўзига хос ютуқларга эришишида Республика Конституциясининг ҳам ўрни бекиёс эканлигининг бевосита шохиди бўлиб турибмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбек халқи ва унинг доно раҳбариятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни – умумхалқ байрами муносабати билан Индонезия халқи ва унинг Президенти номидан самимий қўтлайман.

Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон халқ шоири:

– Мустақиллик туфайли мамлакатимизда туб ўзгаришлар, ислохотлар амалга оширилди. Энг қувонарлиси, байрамларимиз, миллий қадриятларимиз тикланди. Айниқса, Асосий ва Бош Қомусимиз – Ўзбекистон Конституцияси кўнини байрам сифатида нишонлашимиз аини муддаодир.

Гулмжон ЁҚУБОВ,
Ўзбекистон халқ артисти:

– Асосий Қомусимиз – Ўзбекистон Конституциясининг моддаларида халқ манфаатлари ифодаланган. Фаровон юртимизда эркин ижод қилиш, ўқиш, ишлаш ва бошқа имкониятлар мавжуд. Халқимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши биладилар ва Конституциямиз моддаларига риоя қиладилар ҳамда ҳурмат қиладилар. Мен санъаткор сифатида она Ватанимизни чин дилдан қўлайман, санъатимиз довуруғини янада жаҳонга машҳур қилиш ниятидаман.

Асрол МУХТОРОВ,
Ўзбекистон халқ устаси:

– Ўзбекистон Конституциясининг ҳаммаиз учун нақадар аҳамияти эканини жуда яхши тушунаимиз. Конституциянинг 49-моддасида қайд қилинган «Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир», деган сўзлар ганчкор уста сифатида мени ҳам тўлқинлантиради ва янгидан-янги изланишларга чорлайди. Бинобарин, жаннатмакон юртимизда жаҳонни лол қолдирган бундай маданият ёдгорликлари бисёр эканлигидан фахрланамиз. Бундай ажойиб ёдгорликлар қаторига истиқлол шарофати билан янги-янги қўшилиб бораётганлигидан ҳаммамизнинг қалбларимиз олам-олам қувончга тўлмоқда. Шунинг учун биз фуқаролар адолатли Конституциясини билан доимо фахрланамиз, шундай бахтиёр, озад ва обод юрда яшайганимиз учун Яратганга шукроналар айтаимиз.

Ке ЛИН,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети
халқаро журналистика факультетида хитой тили
ўқитувчиси:

– Юртингизда фаолият қўрсаётганлигим боис Ўзбекистон Конституциясининг ҳамма болларини ўқиб чикдим. Конституциянгиз жаҳон цивилизациясининг барча стандартларига жавоб берадиган тарзда тузилган экан. Ўзим журналистика факультетида дарс берганим сабабли Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларига бўлган эътибор доимо мени қизиқтириб келади. Конституциянгизда ҳам бу мавзу четда қолмай, оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолияти ҳақида модда бор экан. Ўзбекистон ва Хитой Конституцияларининг ўхшаш томонлари ҳам борлигини алоҳида таъкидлагим келади.

◆ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўнига бағишланган бошқа мақолаларни газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.

◆ **Кеча** Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқарувининг мажлиси бўлиб ўтди.

◆ Наманган Давлат университетиде «Тарих ва тақдир: Фарғона водийси тарихини тадқиқ этиш муаммолари» мавзусида республика илмий анжумани бўлиб ўтди.

◆ Қашқадарё вилоятида «Маҳалла ва мактаб» мавзусидаги кўрик-танлов ўтказилди.

◆ **Бугун** Ўзбекистон Республикаси Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги томонидан ўтказилган икки кунлик «Фавқуллодда вазиятларда аҳоли муҳофазасининг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий анжуман якунланди.

◆ **Бугун** Киночилар уйининг кўргазмалар залида таниқли мусавивр, Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги, Ўзбекистон халқ рессоми, Абдулла Қодирий номидаги Давлат муқофоти совриндори, профессор Алишер Мирзояннинг шахсий кўргазмаси очилиши маросими бўлади.

◆ Пойтахтимизда «Труд» газетасининг соврини учун ўтказилган халқаро болалар шахмат турнирида Тошкент вилоятининг командаси бош соврин эгаси бўлди.

◆ **Индинга** 8 декабрь кўни Тошкентда Халқаро кураш ассоциацияси ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтади.

ЖАҲОНДА

◆ **Кеча** Москвада халқаро «Шарқ – Фарб» иқтисодий конференцияси очилди.

◆ **Бугун** Фин халқи ўз мамлакатининг Мустақиллиги кўнини нишонламоқда.

◆ АҚШда ўтказилган президентлик сайлови натижалари ҳамон чиғаллиғича қолаётди. Демократлардан номзоди кўрсатилган Альберт Горнинг Флорида штати судига юборган арзонаси қондилрилмагандан сўнг у мамлакат Олий судига мурожаат этишини маълум қилди. Шунингдек, А. Гор АҚШ Олий суди ҳам Флорида штатидаги иккита округдаги сайлов варақаларини ҳисоблаш тўғрисидаги арзонасини қондирмас, у ўз мағлубиятини тан олишга ваъда берди. Демак, президентлик сайлови натижасини сайловчилар эмас, балки мамлакат Олий суди айтади.

◆ **Кеча** дан бошлаб Россия ва Украина давлатлари ўртасида виза тартиби жорий этилди.

◆ **Бугун** Эронда нишонланадиган талабалар кўнида мамлакатда талабаларнинг митинг ва намойиш ўтказишларини тақиқлаш тўғрисида Эрон ички ишлар вазирлиги қарор қабул қилди. Вазирликнинг ушбу қарори бундай ҳаракатлар натижасида юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларнинг олдини олишга қаратилган.

◆ НАТО Бош котиби Жорж Робертсон ҳамда уошманнинг Европадаги қуролли кучлари раҳбари Жозеф Ролстон Косовога келдилар.

◆ **Кеча** Бокуда Жаҳон божжона ташкилотининг 44-сессияси очилди. Унда бир қатор муҳим масалаларни муҳокама қилиш кўзда тутилган.

◆ Вашингтонда Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси томонидан ташкил этилган ёш ўзбек мусавиври А. Алиқулов асарлари кўргазмаси очилди.

◆ Арманистон Бош вазирини А. Маркрян Хитойга ташриф билан борди. Бу ерда у мамлакат раҳбарияти билан икки томонлама ҳамкорликни, жумладан энергетика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди.

◆ **Бугун** Ниццада Европа Иттифоқининг саммити очилади. Ушбу саммитда жумладан Туркиянинг Европа Иттифоқига кириши тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ҳам кўзда тутилган.

◆ Мексика Президенти Висент Фокс Чяпас штатидаги исёнчи гуруҳ билан тинчлик музоқаларини бошлаш мақсадида уларнинг талабларини бажаришга тайёрлигини билдирди.

◆ Британия полицияси 3 нафар десантчиға икки нафар албани ўлдирганлик юзасидан айблов эълон қилди.

◆ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳондаги давлатларни бй йил қуруқчиликдан қатта зарар кўрган Афғонистонга 229 миллион АҚШ доллари ҳажмида ёрдам беришга қачирди.

◆ Венгриянинг Мишкольд шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган каратэ бўйича жаҳон кубоги беллашувлари ниҳоясига етди. Мазкур нуфузли мусобақада қатнашган 18 нафар Ўзбекистон каратэчилари 11 та олтин, 5 та қумуш ва 3 та бронза медалларини қўлга киритдилар.

Тошкентда Қорақалпоғистон маданияти кўнлари

Ўзбекистон – кўп миллатли мамлакат. Ҳозирги кўнда серкуёш ўлкамизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир жону бир тан бўлиб яшаб, меҳнат қилмоқда. Ўзбек билан асрлар оша бир дарёдан сув ичиб, қўда-анда бўлиб яшаб келаётган ана шундай дўст-иноқ халқлардан бири – қорақалпоқлардир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси янги аср арафасида, яъни 15-18 декабрь кўнлари Тошкент шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кўнларини ўтказишни мақсадга мувофиқ деб топди.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов бот-бот таъкидлаганларидек, қаердаки дўстлик, аҳиллик, биродарлик, ҳамфикрлик ва ҳамкорлик устуи бўлса, ўша ерда тинчлик, хотиржамлик ҳўкм суради, интилиш, изланиш, янгиланиш, тараққиёт бўлади. Қорақалпоғистон маданияти кўнларининг ўтказилиши мамлакатимиз халқларининг миллий қадриятларини ривожлантириш, миллатлар ўртасидаги дўстликни янада мустақамлаш, қорақалпоқ халқининг маданияти ва санъати ютуқларини кенг тарғиб этишга хизмат қилади.

Тadbир давомида шаҳарликлар, пойтахтимиз меҳмонлари, ушбу санъат байрами тантаналарининг бевосита иштирокчиси бўлади. Зеро, маданият кўнлари дастурига қўра, шаҳарнинг барча театрларида, майдон ва сайилгоҳларида оммавий

тadbирлар, концертлар, кўргазмалар бўлиб ўтади. Чунинчи, шу кўнлари Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида «Болалар расмлари» кўргазмаси, театр майдонида эса қорақалпоқ ўтовлари кўргазмаси очилади. Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида қорақалпоғистонлик мусавиврлар ижодидан намуналар намойиш этилади. Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон ҳамда Қорақалпоғистон ёзувчи ва шоирларининг ижодий учрашувлари ўтказилади.

Шуни ҳам айтиш керакки, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси, «Баҳор» концерт зали, Республика кўғирчоқ театри ва кинотеатрлар ҳам қорақалпоқ санъати ихлосмандлари билан гавжум бўлади. Унда нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам донг таратган «Айқулаш», «Аму тўлкинлари» ансамблларининг ва Бердақ номидаги Қорақалпоғистон симфоник оркестри ва филармониясининг концертлари, Қорақалпоқ музика театрининг спектакллари намойиш этилади.

Маданият кўнлари дастури доирасидан олий ўқув юрларида талаба ёшлар билан, маҳалларда нуруний оқсоқоллар билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш ҳам режалаштирилган. Шубҳа йўқки, Қорақалпоғистон маданияти кўнларининг мамлакатимиз пойтахтида ўтказилиши халқларимиз маданиятини бойитади, уларни бир-бири билан янада яқинлаштиришга хизмат қилади.

Ўқтам ДҮСТЕР, Ҳа муҳбири.

Саховат БОЛАЖОНЛАР МАМНУН БЎЛИШДИ

Ўтган кўни Юнусобод туманидаги «Иттифоқ» маҳалласи кураида ўтказилган Республика «Қамолот» жамғармаси ҳомийлигидаги «Қомусимиз – ифтихоримиз» мавзусидаги тadbир «Ногирон болалар соғлигини қайта тиклаш ва бирлаштириш» КРИДИ жамияти аъзолари қалбиде қувонч туйуғларини уйғотгани шубҳасиз. Чунки шу кўни тadbирга келган саховатпеша ташкилотлар, жумладан «Қамолот» жамғармаси томонидан болажонлар учун дастурхон тузалди, мактаб ўқув қуроллари ва китоблар тортиқ этилди. Айниқса, юртимизда фаолият олиб бораётган Швейцария ҳамда Канада элчихоналари шакллари совға қилган 6 та компьютер ва тиббий асбоб-анжомлару дорн-дармонлар меҳрга ташна қалб эгалари бўлиш болажонларни қувонтириб юборди. Тadbир ниҳоясиде санъаткорлар томонидан болажонлар учун концерт дастури намойиш этилди.

Анвар ЙҮЛЧИЕВ.

Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир.

Ислон КАРИМОВ



8 декабрь

Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси куни

ҲАЁТИМИЗНИНГ ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗИ

Конституция давлатнинг Асосий Қонуни сифатида жамият ҳаётининг тубдан ўзгаришлари натижасида вужудга келди, унинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ютуқларини мустақамлайтиш ҳамда ҳаётининг кейинги босқичларидаги вазибаларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Конституцияси Республика Мустақиллиги эълон қилингандан сўнг бир йилдан ортиқ вақт ичида қабул қилинди. Бу вақтга келиб айниқса сиёсий соҳада, давлат ҳокимиятини ташкил этиш соҳасида катта ислохотлар амалга оширилди. Президентлик бошқаруви шакли, ҳокимлик институти, Конституциявий назорат, сайлов тизими ва иқтисодий ислохотлар шулар жумласидандир. Сиёсий ютуқларнинг энг буюғи суверен Ўзбекистон Республикасининг вужудга келиши эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моҳияти тўғрисида гап кетганда унга асос бўлган раҳбарий ғоялар тўғрисида мулоҳаза юритиш жоиздир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқ ҳокимиятичилиги тамойилига асосланган. Халқ ҳокимиятичилиги — бу ҳокимиятнинг амалий ва юридик жиҳатдан халққа тегишли эканлигидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасида: «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ мақолатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади» дейилган. Давлат сиёсатини, халқнинг хоҳиш-иродаси белгилаб беради ва у сиёсат Ўзбекистондаги барча фуқароларнинг фаровон турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Конституциясининг яна бир муҳим тамойили — унда демократик жамият

ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига ёки умумхалқ овози — референдумга қўйилиши белгиланган. Жумладан, 1995 йил 25 мартда ўтказилган референдумда Президентнинг ваколат муддатини 2000 йилга қадар қўзиш масаласи қўйилган эди. Шунингдек, Конституциямизда Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Прези-

ади Юртбошимиз Ислон Каримов, Ҳақиқатан ҳам, давлатда истиқомат қилувчи халқлар бир-бирларининг миллий урф-одатларини, умуминсоний қадриятларини ҳурмат қилмас, ҳуқуқий демократик давлатни қўриш мумкин эмас. Шу боисдан ушбу конституциявий қонда республикамиз тараққиёт йўлининг энг муҳим тамойилларидан бўлиб қолади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

дасдир. Мазкур ҳуқуқни амалга ошириш — давлат ва жамиятни демократиялаштиришнинг энг муҳим шартидир. Давлатдаги мавжуд демократиянинг инсонпарварлиги ана шу билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида халқаро ҳуқуқ нормаларида қайд қилинган инсон ҳуқуқлари ҳақидаги қондалар тўлиқ ифодаланган. Жумладан БМТ томонидан 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» лозим бўлган асосий ҳуқуқларнинг баънидир, унда БМТ устави, инсон ҳуқуқларининг ҳар жиҳатдан ҳурмат қилиниши барча ҳукуматлар ва барча халқларнинг муштарак бурчидир, деган тамойил ўз аксини топган. Умумжаҳон декларацияси буюқ тарихий аҳамиятга молик ҳужжат бўлиб, у жамиятлар ва давлатлар позицияларининг нечоғли тўғрилигини ўлчаб берадиган мезондир. Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатларнинг мустақиллиги БМТ Низоми тамойиллари ва Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси қондалари асосида амалга оширилади.

Эркин ва мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳам БМТнинг инсон ҳуқуқига дахлдор асосий ҳужжатларини эътироф этиб, ўзининг Конституциясига инсон ва фуқароларнинг кенг қўламадаги шахсий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва эркинликларини қафолаб қўйди.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакат фаровонлиги, барча халқларнинг ўзаро аҳил ва тотув яшashi, оила мустақамлигини таъминлаш борасидаги муҳим, пиш-қилма-қилма моддалар ўрин олган бўлиб, буюқ келажакимизнинг таянчи сифатида Асосий Қонунимизнинг аҳамияти ва қиммати йилдан-йилга ортиб бораверади.

Азиз ЧЎЛИЕВ,
Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси.

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ АСОСИ

денти иш олиб бориши ваколатига эга эканлиги тасдиқланган, чунки Олий Мажлис ҳам, Президент ҳам халқ томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри, яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Халқ худди шу йўл билан Олий Мажлисга ва Президентга ўзининг ваколатини, хоҳиш-иродасини топширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Конституция ва Қонунларнинг устуңлиги сўзсиз тан олинди, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва Қонунларга мувофиқ иш қилишлари мустақамланган.

«Жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахсининг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва аъналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур қилиб бўлмайди», деган

мамлакатимизнинг давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий тизими, ўзгани ташкил этиди. Шунинг учун ҳам барча жорий Қонунлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция асосида қабул қилинади. Конституция қабул қилингандан кейинги даврда бир неча юздан ортиқ Қонунлар қабул қилинди, ўзгариб бораётган шарт-шароитлар ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинган қонунлар инсонпарвар ҳуқуқий жамиятни барпо этишда, бозор иқтисодиётини ривожлантиришда, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик қилишда ўз кучини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон — умумбаشارий инсонпарварлик қондаларига асосланган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Республикада инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқи ҳамда эркинликлари муқад-



Ҳар бир шахсга меҳнат қилиш ҳуқуқи...



Ҳар кимга билим олиш ҳуқуқи Конституциямизда қафолаб қўйилган.

Тадбирлар

ЗУККО ТАЛАБАЛАРГА СОВГАЛАР

Шу кунларда шахримизнинг ҳар бир гўшаси, ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотларида Асосий Қонунимиз бўлиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган турли тадбирлар, кечалар, илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтмоқда.

Жумладан, Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицейда ҳам Қонунимизнинг 8 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти доценти Манзурат Холматова, шу институтининг илмий ходими, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Қумрихон Абдурашулова, Собир Раҳимов тумани хотин-қизлар қўмитаси ходими Соҳида Обидовалар Бош Қомушимизнинг ҳаётимизда тутган ўрни, турмушимизнинг барча муносабатларини ўзига

«жамлаган ҳар бир моддасини айниқса ёшларимиз онгига синдиришимиз лозимлиги, соғлом авлодни тарбиялаб ўстириш буюқ келажакимизнинг муҳим қафолати эканлиги тўғрисида тўхталиб ўтди.

Лицей ўқувчиларини қизиқтирган барча саволларига жавоб қайтарди.

Тадбир сўнгида бир ой Конституциямиз юзасидан ўз билимларини намойиш этган, мустақиллигимизни акс эттирувчи китоблар кўргазмаларини ташкил этган гуруҳларнинг қолибларига совгалар топширилди.

Шоҳиста МУХСИМОВА.

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикасини ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 52-модда.



ҚАСАМЁД

*Биз тинчлик истаймиз жумла жаҳона,
Етун Осиё, Ўзбекистонга!
Бу йўлда аждодлар руҳи бизга ёр,
Ҳамиша байроқдор, улуг мададкор!*

*Йўлимиз тўғридир, қайтиш йўқ асло,
Қасд қилган борибди бўлур мосуво!
Евларни янчишга тайёр посбонимиз!
Сафлари мустақам, пўлат қалқонимиз!*

*Эй, она-халқимиз, дунё, қонинг,
Эшитинг элатлар, бани одамот,
«Она-юрт Туронда тинчлик сақлашга
Биз қасам ичамиз, қасам, қасамёд!»*

Искандар РАҲМОН.

Биз нечун севамиз ўзбекистонни



Серкўёш диёрида 100 дан зиёд турли миллат ва элат вакиллари ўзбек халқи билан ёнма-ён бир оила фарзандларидек аҳил, иноқ, тотув яшаб келмоқдалар. Республикамиз тараққиётининг ривожланишида шубҳасиз ўзга миллат вакиллари ҳам қўшаётган ҳиссалари бекиёс.

Муҳбиримиз кўтлуге байрам — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8 йиллиги арафасида юртимизда фаолият кўрсатаётган айрим миллий-маданий марказларининг раҳбарлари билан мулоқотда бўлди.

Николай ТОДОРОВ,

Болгар миллий-маданий маркази директори:

— Аслида мен фаолиятим давомида тарих ва сиёсат билан шуғулланганман. Шу боис ҳаётим таърибларимдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ҳуқуқий жиҳатдан мана-ман деган халқаро ҳужжатларга тенг даражадаги муқамал ҳужжат дейишим мумкин.

Ивангелия ГЛЕБОВА,

Грек миллий-маданий маркази бош ҳисобчиси:

— Иккинчи жаҳон уруши тугатилгандан кейин 1949 йилда

Ўзбекистонга келган греклар ўз жамиятларини ташкил этишганди. Бироқ бундан уч йил муқаддам бу жамият миллий-маданий марказга айлантирилди. Шунинг фахр билан таъкидлашим жоизки, ҳозирда Чилонзор туманидаги ўрта мактаблардан бирида грек тили махсус ўргатишмоқда. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида грек тилини иккинчи она тили сифатида ўргатувчи кафедра ишлаётганлиги қувонарли ҳолдир. Марказнинг қошида ракс ва хор тўғараклари мавжуд. Бундан ташқари Ўзбекистон ва Греция давлатлари ҳукуматларининг гамхўрликлари сабаб марказимиздаги грек бо-

лалари ҳар йили Грецияга дам олиш учун бориб келишади. Бундай имтиёздан пенсионерлар ҳам икки йилда бир бора фойдаланишмоқда. Бу билан айтмоқчиманки Ўзбекистон Республикаси Конституцияси амалда яхши ишламоқда.

Сергей ПРОТАСЕВИЧ,

Беларусь миллий-маданий маркази директори:

— Серкўёш Ўзбекистонда яшаётган 30 мингга яқин беларуслар бу ерда яшаш, меҳнат қилиш ва билим олиш учун яратилган шароитлардан жуда миннатдор. Шунинг учун ҳам биз Ўзбекистонни иккинчи она Ватанимиз деб биламиз.

Альбина МАРКЕВИЧ,

Рус миллий-маданий маркази масъул котиби:

— Марказимизга бир неча йилдирки филология фанлари номзоди, Олий Мажлис депутати Сергей Зинин раҳбарлик қилмоқда. Ҳозирги кунда нафақат пойтахтимиз Тошкентда, балки барча вилоятларда рус миллий маданий марказларининг фаолият олиб бораётганлиги рус ва ўзбек халқлари ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустақамламоқда. Очигини айтганда биз русларнинг урф-одатларимиз, қадриятларимизга тўқсизлик қилмай, аксинча Ўзбекистонда эркин фаолият олиб боришимизга имконият яратиб берган Президент Ислон Каримов етакчилигидаги Республика ҳукуматига миннатдорчилик билдиримоқчиман. Чунки Ўзбекистон ҳуқуқий демократик жамият қўриш йўлидан борар экан, аввало бу юртининг Бош Қонуни — Конституция муқамал яратилганлигини албатта айтиш керак. Биз руслар бу Қонунни худди ўз Қонунимиздек қабул қилганмиз. Шунинг учун ҳам ҳар йили Мустақиллик ҳамда Конституция байрамларини кўтаринки руҳда нишонлаймиз. Мустақиллик шарофати тўғрисида Ўзбекистонда нафақат миллий маданий марказлар, балки адабиёт соҳасига тегишли Пушкин, Есенин номли жамиятлар, Анна Ахматова номдаги музей-клуби ва ҳар хил фанлардан сабоқ берувчи тўғаракларимиз фаолият олиб бормоқда. Фуратдан фойдаланиб Ўзбекистонликларни Конституция куни билан табриқлаймиз.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ сўхбатлашди.

КАТТА ҒАМХЎРЛИК

Конституциямиздан оила, унинг муҳофазаси, фарзандлар ва ота-оналар ўртасидаги муносабатлар кенг ўрин олган. Хусусан Асосий Қонунимизнинг 63-моддасидан «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» деган қонда ўрин олган. Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг катта эксперти Наргизахон Қориева билан сўхбатимиз ҳам жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланмиш оиланинг ҳаётимизда тутган ўрни, давлатимизнинг оила фаровонлигини таъминлаш борасида кўрсатаётган гамхўрлиги хусусида бўлди.

— Анъанавий ўзбек оиласи бой урф-одатларга эга. Бу эса оилаларнинг юқори даражада уюшган ўзига хос жамият бўлиб шаклланишига омил бўлади. Катта-ю кичик оилаларда Қонунда ёзилмаган шундай муносабатлар тизими борки ва улар шунчалик пухта, тўғри, доноки, бу уларнинг гуллаб-яшнаши ва мустақамлигига катта таъсир кўрсатади. Президентимиз Ислон Каримов оила фаровонлигини миллат, халқ фаровонлигига тенг қўядилар. Оилаларнинг мустақамлиги, ибратли, аҳил оилалар муносабатлар ва алоқалар бу — давлатимиз барқарорлиги омилдир. Мустақам, соғлом оила — бу қудратли, кучли давлатдир.

Агар оилага ўзига хос кичик давлат деб қарасак, унда фақат ўзига хос бўлган иқтисодий тузилма, сиёсий меҳанизм ва маданий-ахлоқий жиҳатдан эришилган ютуқлар етакчи ўринни эгаллайди.

Оила — бу насли, ўз насл-насабини, зотини сақловчи туб қон-қариндошлик муносабатлари демақдир. Энг муҳими, оила умун энг кенга бўлган — бу инсон зотини, аҳоли кўпайишини давом эттирувчи сифатдир. Оилаларнинг бу энг муҳим моҳияти бундан ҳам муҳимроқ вазифани — ёш авлод тарбиясини амалга оширади. Ҳар бир оила жамият олдидики катта бурча эга — бола тарбиясига масъулдир. Ақлли, билимдон, доно, бахтли, соғлом фарзандлар — ўз буюқ келажакини бунёд этиш йўлида шахдам бораётган давлатнинг эртанги кунини белгилайдиган омилдир. Республикамизда 4000000 га яқин оила бўлса, 12 фойз оилалар шундан кўп фарзандга эга.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оиланинг жамият аъёқаси ҳисобланиши ва у жамият, давлат томонидан ҳимояланиш ҳуқуқига эгаллиги таъкидлаб ўтилган. Президентимиз Ислон Каримовнинг болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган Фармонлари чиқди.



«Оила» Республика илмий-амалий маркази ташкил этилиб унинг асосий фаолияти бой миллий аъналар, миллий қадриятлар асослари, аждодларимиз меросини чуқур ўрганишга қаратилмоқда. «Оила» кодекси аввалги Ниҳоқ ва оила тўғрисидаги кодексдан фарқли ўлароқ «Оила кодекси» деб номланди, зотан «оила» сўзи ўз ичи-га «ниҳоқ» тушунчасини ҳам олади, янги Қонун саккиз бўлимдан иборат, ҳар бири у ёки бу оилалар муносабатларини тартибга солувчи меъёрларга эга.

Оиладаги соғлом, яхши муҳит унинг ҳар бир аъёқасининг ҳаёт қувончи тўла ҳис этишига, ниҳоқ ришталарининг мустақамлигига, фарзандлар дунёга келганида қувончига сабаб бўлади. Шу боисдан ҳам оилаларни муҳофаза этиш ва асраб-авайлаш унинг ҳар бир аъёқасининг эмас, ҳам жамият, ҳам давлат зиммасидандир. Ва бу юмуш кенг амалга оширилишига мамлакатимизда жуда катта эътибор қаратилмоқда.


Сўхбатдош Мухтор БЕК.

Истиқлол неъматлари

Олис Англия ё Америка Кўшма Штатлари мактабларида ўзбек ўқувчиларининг эмин-эркин таълим олиб келишларини бир тасаввур қилинг-а. Ун беш-йигирма йил бурун бунга хатто тасаввур қилиб бўлмасди. Бугунги кунда эса булар оддий ҳаёт тарзимизга айланмоқда.

Уммон ортидаги диёр — АҚШда Коннектикут штати бор. Атлантикадан унча узоқ бўлмаган ушбу штатдаги шаҳарлардан бири — Норвечдир.

Ён-атрофи ям-яшил дов-дарактлар-у майсалар, турфа гуллар билан безанган Норвеч шаҳри манзаралари ҳақида ортиқча таъриф-у тавсифларга ҳожат бўлмасди. У ерда кўплаб ўқув даргоҳлари мавжуд. Пойтахтимиз



ЖАҲОНГА БЎЙЛАЁТГАН МАКТАБ

Ўқувчиларидан бир гуруҳи 21 кун уша шаҳардаги академик лицейда таҳсил олиб келди.

Жаҳонга бўйлаш бугунги кунда мураккаб юрт одамлари учун оддий ҳолга айланмоқда. Ҳатто, мактаб ўқувчилари ҳам эндиликда илгир мамлакатдаги тенгдошлари билан бевосита алоқа қилаверишлари мумкин. Фақат, шунга яраша иқтидорли, билимдон, халқаро тилларни ўрганган бўлмоғи зарур.

Собир Раҳимов туманидаги Обид Солиқов номи 249-мактабда инглиз тилининг оддий таълим-тарбия олади. Уларга саксондан ортиқ малакали мураббий турли фанлардан дарс беришаётди. Айниқса, тарих фанлари номида Марҳамат Қосимова, она тили ўқитувчиси Дилором Зуфарова, инглиз тили ўқитувчиси Сардора Муҳимова, немис тили ўқитувчиси Санобар Ҳасанова, араб тили ўқитувчиси Исроил Ёлғоров, рус тили ўқитувчиси Галина Кирсанова-лар ўқувчиларга фан сирларини пухта ўргатиш билан бир қаторда тўғрақарлар ишларини ҳам йўлга қўйганлар. Эътибор берган бўлсангиз, дунёвий тилларни пухта ўргатишга ихтисослаштирилган мактабда давлат тилимиздан ташқари халқаро тиллардан бириёйла тўртташ ўргатилади. Замона зайли билан жаҳонда етакчи ўрин тутаётган инглиз тилини ўрганиш эса асосий эътибордир.

Бугунги мактаб ўқувчиси хоризжий тилларни қанчалик пухта ўзлаштирса, дунёга чиқиши учун шунчалик ишончли нарвон қўйган ҳисобланади. Истиқлолнинг берган ажойиб неъматлардан бири шу. Зеро, барча фанлардан аъло баҳолар олиш билан бир қаторда инглиз тилини пухта ўзлаштирган Комила Иброҳимова, Сурайё Абдулатонова, Бехзод Демиров, Шухрат Некбоев, Мадина Отабоева сингари ўқувчилар икки йил бурун ана шундай бахтга мушарраф бўлган эдилар.

— Она сайёрамизнинг нариги томонида жойлашган қитъа давлатлари, хусусан, АҚШдаги тараққиёт ҳақида баҳоли қудрат

тасаввурга эгамиз. Минг эшитгандан бир бора кўрган афзал, деганларидек, уша жойларни кўзимиз билан кўриш, мактаблари фаолияти, ўқитиш методи билан танишиш, ўқувчиларининг қай йўсинда билим олишларини ўрганиш, қолаверса, халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган инглиз тилини янада мукамалроқ ўзлаштириш мақсадида 1998 йилнинг ноябрь ойида Америка сари йўл олдик, — дейди мактаб директори Хова Ҳамидова. — Узро келишувга биноан ўзим мактаб директори Жем жаноблари хонадонидан турдим. Унинг яшаш тарзи, ўз устиди ишлаши, ўқув даргоҳидаги фаолияти, иш усуллари билан бевосита танишган бўлсам, иқтидорли ўқувчиларимиз тенгқурлари билан ёнма-ён юриб, уларнинг билим олишлари, дарсларга, турли машғулот ва тўғрақарларга қатнашишлари, шунингдек, ўз уйларида дарс тайёрлашлари, бунга вақтини қандай ўтказишлари ва ҳоказолар билан танишдилар. Ўқувчиларимиз америкалик тенгдошлари ҳаётини кўришга қанчалик қизиқиб борган бўлсалар, ўзлари ҳам уларда шунчалик қизиқиш уйғотдилар. Америкалик ўғил-қизлар ўзбек тенгқурларининг оддий миллий либосларига кийинишларидан тортиб урф-одат ва анъаналарига жуда қизиқиб қолдилар. Бунга қарангки, америкаликларнинг ҳеч қанака миллий либоси, тарихий урф-одати йўқлиги бизни ҳайрон қолдиради. Ўзбекистон аталмиш гўзал мамлакатимиз мустақилликка эришгани, унда жуда қадимий шаҳарлар,мавжудлиги, ота-боболаримиз орасидан жуда улуг алломалар етишиб чиққан ҳақида ўқувчиларимиз инглиз тилида эмин-эркин сўзлаб берганларида мезбонлар ҳайронан лол қолдилар. Худди шундай ҳол илгароқ Англиянинг Хорвард шаҳридаги Девид Гем коллежда ҳам юз бергани ўқувчиларимизнинг сира ёдларидан чиқмасди керак. Олтинчи, еттинчи, саккинчи синф ўқувчилари орасидан сараланган иқтидорли ўғил-қизлар 1998 йилнинг июнь ойида йигирма кундан зиёд-роқ анливилик тенгдошларининг меҳмони бўлишган...

Бирни кўриб фикр, минг-ни кўриб зикр қилиш керак. Сафардан қайтган ўқувчилар таассуротларини мактаб-

дошларига айтиб бериш билан чекланмадилар. Ҳар бир фани пухтароқ ўзлаштиришга ёрдам берадиган тўғрақарлар ташкил этишга киришдилар. Айни дамларда мактабда ўттиздан ортиқ фан тўғрақарлари фаол иш-ламоқда. Унда муттасил қатнашаётган иқтидорли ўқувчилар турли олимпиада ва кўрик-танловларда салмоқли ўринларни эгаллашмоқда. Вақти-вақти билан тил байрамлари, шунингдек дунёвий тилларни пухта ўрганишга бағишланган турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Иккита компьютер хонаси ҳаминиша гавжум. ЭХМ ўқитувчиси Мавлуда Тошмухамедова ўқувчиларга компьютерда ишлаш сирларини ўргатади. Бир пайтлари ўқувчилар оддий деворий газета чиқаришган бўлса, эндиликда компьютер ёрдамида «Инсон ва қонун» деб номланган ўн икки саҳифали газета чиқаришмоқда. Бизакли, суратли газетанинг янги сони саҳифаларини кўздан кечирсангиз, «Ўзбекистон — мустақил давлат», «Ахлоқ ва ҳуқуқ», «Билимнингизни синов кўринг» каби ранг-баранг мавзулардаги мақолалар эътиборингизни тортади. Келгусида газета янада мукамал шаклда шомойилнинг топарешига ишонса бўлади.

Эътибор берсангиз, журналист бўлишни орзу қилганлар айнан газета чиқариш амалиётини журналистика факультетини тамомлағач, тахририятда ишлаб, босмахонага қатнаш кўриб-гина ўрганардилар. Замона зайли билан бугунги ўқувчилар мактаб партасидаёқ бемалол газета, ҳатто журнал чиқариш саноатини ўрганмоқдалар, амалда шундоқ эзу ишлар қилмоқдалар.

Юртимизда жаҳон билан бўйлашаётган мактаблар сони янада кўпайишига, бинобарин, ўғил-қизларимиз комил инсон бўлиб воғга етишишларига ва келгусида дунёда ўз ўрнига эга бўлишларига тилакдошимиз.

Тўлкин УСМОН ўғли, Азамат ТОИРОВ, «Тошкент оқшом»нинг жамоатчи муҳбирлари. СУРАТДА: пойтахтимиздаги Обид Солиқов номи 249-ўрта мактаб директори Х. Ҳамидова иқтидорли ўқувчилари билан бирга Америка Кўшма Штатларида.

Инсон боласи учун саломатликдан ортиқ бойлик йўқ. Республикаимиз Конституциясининг 40-моддасида «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга» деб битилган. Мамлакатимиз ҳар бир фуқароси мана шу ҳуқуқдан тенг фойдаланади. Шу боис шифокорларимиз меҳнати ҳаминиша қадрли. Бутун умри давомида юзлаб беморлар дардига малҳам бўлиб, ширин сўзи-ю камтар, камсўқумлиги билан эл ҳурматиға сазовор бўлаётган шифокорлар эса шахримизда кўплаб топилади.

Нишондорларимиз

КЎНГЛИ ХАЛАТИДЕК ОҚ

Мана шундай шифокорлардан бири — шахримизнинг Сергели туманига қарашли 11-оилавий поликлиникада салкам 40 йилдан бери беморлар дардига дармон бўлиб келаётган Мақсудхўжа Муродхўжаев бўлади.

Тошкент Давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетини 1957 йилда муваффақиятли тамомлаган Мақсудхўжа ўзининг илк иш фаолиятини Тошкент вилоятининг «Тошкент» кишлоғига қарашли Чоштепа кишлоқ амбулаториясида бошлади. Бир йил ўтгач мудирликка тайинланди.

Ўз дардиға наҳот ахтариб келган беморни ноумид қилмаслик, дардиға дармон бўла олиш, ширин муомаласи билан уларни тезроқ соғайишларига ҳисса қўиш Мақсудхўжа ака ва у бошчилиқ қилаётган амбулатория жамоаси ширинга айланди. 1967 йилда Чоштепа амбулаторияси жойлашган ушбу ҳудуд Сергели туманига қўшилди. Амбулатория 11-бирлашган поликлиникага айлантирилди ва унга Мақсудхўжа ака бош шифокор этиб тайинланди.

Умрни донишмандлар оқар сувға қислайдилар. Бу бежиз эмас, албатта. Умрни хайри ишга — эл саломатлиги йўлида хизмат қилишга бағишлаган инсоннинг ҳаёти, бу борада сарфлаган меҳнати кишилар қалбидан жой олиб, миннатдорчилик туйғулари

билан йўғрилади. Маълумки, кейинги йилларда барча соҳаларда бўлгани каби тиббиёт соҳасида ҳам катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Аҳолиға тиббиёт ёрдам кўрсатиш ҳамда профилактика ишларини такомиллаштириш мақсадида оилавий шифоналар фаолияти йўлга қўйилмоқда. 11-поликлиника ҳам 1998 йилда оилавий поликлиникага айлантирилди.

— Бу ердаги барча шарт-шароитларни юзага келтиришда озми-кўпми ҳисса қўшганимдан фахрланаман, — дейди биз билан суҳбатда Мақсудхўжа ака. — Ёшим пенсия ёшиға етгани сабабли ўзим бош шифокорликни ёшларға топширдим. Шунча йиллар орасида фақат одамлар огирини енгил қилиш, беморларнинг тезроқ соғайиб кетишлари учун, туманимизда аҳолиға тиббий ёрдамни ҳар томонлама беминнат кўрсатиб, ҳар хил юкумли касалликларнинг олдини олиш учун ҳаракат қилдим. Шулар қаторида янги-янги биноларға кўчган поликлиникаимиз мана ниҳоят кўнглидагидек таъмирланди, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Олий тоифали шифокорлар ва тиббиёт ҳамширалари беморларға хизмат қилмоқдалар. Ҳозир поликлиникаимиз 15 минг аҳолиға хизмат кўрсатмоқда. Ҳатто кундузги шифонаимиз ҳам бор — 10 кишиға мўлжалланган. Асосий эътиборимиз тугруқ ёшида-

ги аёлларға қаратилган. Ахир соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади. Терапевт, педиатр, аёллар маслаҳатхонаси, жарроҳлик, рентген кабинетлари, клиник лаборатория, электрокардиограмма, стоматология кабинетлари замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, беморларға хизмат кўрсатмоқда. Поликлиникаимиз оилавий бўлгани учун тиббиётнинг барча мутахассисликлари бўйича шифокорларға эга. Уларнинг кўпчилиги 25-30 йилдан бери ишлаб, катта тажриба ортирган, обрў-эътибор қозонган шифокорлар. Жамида Хидиралиева, Лола Самиева каби қўли енгил шифокору Хайри Жалолова, Болдиқиз Эсполова каби меҳрибон ҳамшираларни алоҳида таъкидлагим келади.

Камтарона хизматларини тақдирлиб «Шухрат» медали билан мукофотланганимни эшитиб, эъзоз топганим, қадр кўрганамдан бошим осмонға етди. Бу мукофотни 11-оилавий поликлиникаимизга берилган мукофот деб биламан. Халқимизға ҳаминиша беминнат хизмат қилишни ўз бурчим деб биламан.

Кўнгли эғнидаги халатидек оқ, камтар бу инсон билан хайрлашар эканмиз, шифокорлик касбини янада улуглаштириш яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. **Шоира МУҲАМЕДОВА.**

ШАРҚ ДУРДОҚЛАРИ
ОЗ ОЗ ҲАҚИНИ
Домо бўлар...

- Ақли одам ҳамма нарсдан кечса ҳам дўстидан воз кечмайди.
- Кимки оғир дамларда дўстини ташлаб кетса, ўзи ҳам кулфатға йўлиқади.
- Дунёда дўстликдан афзалроқ ва ёқимлироқ нарсаси йўқ. Умридан дўстликни ўчириб ташлаш дунёни кўёш нуридан маҳрум этиш билан баробар.
- Янги дўст топганда эскиларини унутма.
- ҲИКОЯТ: Бузургмеҳрдан: «Нега дўстининг душманға айланиши осон-у душманнинг дўст бўлиши қийин?» деб сўрадилар.
- Иморат бузиш қуришдан, жомни синдириш пайванд қилишдан, пулни сарфлаш топишдан осонроқда, — деб жавоб берди у.

- **БАЙТ:**
*Дўст дема, гар нозу неъмат устида,
Урса лоф: «Дўстимсан, азиз, меҳрибон».*
*Дўст удир, дўстимса чўзади қўли —
Дўсти булганида ночор, нопавон.*
- **САЪДИЙ.**
● Меҳнатни севиш, гайрат ва матонат билан ишлашининг учта ширин меvasи бор. Биринчиси: тан саломатлиги, иккинчиси: кўнгли роҳати, учинчиси: ақл ва зехнинг ортишидир.
- Бахтиёр бўлишни истасангиз, ҳар бир ишингизни ўз вақтида бажаринг, бугунги ишни эртаға қолдирманг, фурсатни қўлдан берманг.
- Меҳнатни севамаган одам ҳар бир бузуқликни қилишға тайёрдир. Меҳнат инсонға бахт-саодат келтиради, ялқовлик, ишсизлик, фалокат гирдобига ташлайди.
- Қадимги юнон донишмандларидан Афлотун ҳақим айтади:
— Мен фидокорона қилинган роҳатни бошқа бирор нарсдан кўрмадим. Вужудимнинг саломатлиги, руҳимнинг саодатини фақат меҳнатдан топдим.

- **БАЙТ:**
*Меҳнат ила ҳал бўладир ҳар мушкул,
Ками дил меҳнат ила бўлғай ҳосил.*
● Ёшлигингдан шундай яшагинки кексайиб чорасиз қолганингда бахтли бўл.
- Танинг соғ экан, ҳали кексаймаган экансан, куч-қудратинг бор экан, имкон борича нимадир яратишға ҳаракат қил. Уйингни ўт олгандан кейин қудуқ қазингдан нима фойда.
- Яхши қариялар бор жойда яхши ёшлар етишиб чиқади, улар йўлчи юлдуздек нур сочиб турадилар.
- Кексалик донолик билан уйғунлашиб кетса, азим дарё бўлиб элга хизмат қилади.
- Темир қалъасини ёшлар қилиш ишлатиб йиқитсалар; қариялар ақл билан ағдарадилар.
- ҲИКОЯТ: Бир ҳақимдан сўрадилар:
— Сен учун энг улуг киши ким?
— Отам, отамнинг отаси, энг катта бобом, у бобомнинг онаси энг улуг кишилар, улар ҳаёт дарсини ўқинган қариялардир.
- **БАЙТ:**
*Бўйин товлама кекса тадбирдан,
Қарияларда бор тажриба, фикру фан.*

- **ШЕРОЗИЙ.**
● Инсоннинг энг гўзал фазилати унинг одобида. Хусн — хусн эмас, одоб хусн, у ҳеч вақт қарима, абадий ҳузур-ҳаловат бағишлайди.
- Ширин сўз одобли кишининг энг зарур қуролдир. Анчиқ сўзлар айтиб, дилларни шикастлаш нодонлик белгисидир.
- Одоби инсон дўстлигини зардек қадрлайди, зеро қил ҳар қанча ингичка бўлса ҳам бир-бириға бирикканда, филни ҳам банди қилиб қўяди.
- ҲИКОЯТ: Бир қанча фозиллар Афлотунға шундай савол беришибди:
— Кимларға тезроқ ақл киришини истардинг?
— Душманларимға, — дебди у, — ҳаммаға маълумки, ақли, одобли одам ёвузликдан қочади, аҳмоқларни эса беаъми ишдан сира қайтариб бўлмайди.

- **БАЙТ:**
*Ҳаё-ю, шарму одобу, тавозе,
Эмас ҳайванаким, инсона яхши.*
- **КАМИЙ.**
● Энг тўғри сўз зоҳирий ҳолни англаган, баён этган сўздир.
- Халққа маъқул ва марғуб сифатларға эга бўлган одам ҳаммаға зеб-зийнатли, чиройли кўринади.
- Инсонни тубанликка туширадиган манманлик, мутақаббирликдан ёмон нуқсон дунёда йўқдир.
- ҲИКОЯТ: Бир қанча донишмандлар Анушервон даргоҳида бир масалани муҳокама қилиб ўтирганлар. Анушервоннинг донишманд вазирни Бузургмеҳр музокараға аралашмасдан сукут этиб ўтирарди. Донишмандлар ундан: «Сиз нега бу масалаға аралашмасдан жим ўтирасиз?» деб сўрадилар»

- Жавоб берди:
— Донишманд вазирлар табибларға ўшайдилар. Табиблар касал бўлмаган кишиларға дори бермайдилар. Сизлар масала ҳақида тўғри фикр юриятсиз. Шунинг учун музокараға аралашини ўзимға эп кўрмадим. Бир иш мен қўшмасдан ҳам бўларкан, у ҳақда сўзлашим ҳақматдан эмасдир. Агар бир ерда бир кўр ва унга яқин ерда бир қудуқни қўриб қолсаму жим ўтирсам, у вақтда гуноҳкор бўламан.
- Мухаббат барча яхши, юксак қудратли, ёқимли ва ёрқин фазилатлар ижодкоридир.
- Дунёда кўёш нуридан сулув мўъжиза йўқ, чин муҳаббат оташидан кўра ўткирроқ оташ йўқ.
- Севиш ва севилиш буюк бахт.
- Севиш кўқисдан, ҳеч ким ўйламаганда туғилади. Юрагимизнинг ўртаниши ва тақдиримизнинг ҳал этилиши учун арзимас бир жозибанинг ўзи кифон.
- Севиш уларимизнинг энг тозасидир.
- **БАЙТ:**
*Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаски, жон бўлмасун.*
*Ишқисиз уа тапқи, анинг жони йўқ,
Ҳусни нетсун кишикам оли йўқ.*
- **НАВОИЙ.**
Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ тайёрлаган.

Ёшлар ва касб танлаш

АҚЛ ВА РУҲ СИНОВЛАРИ

Республика ташхис маркази болалар ва мактаб ўқувчиларининг соғлиқлари, иқтидор ва салоҳиятларини аниқлашда жаҳон тажрибаларига суянган ҳолда руҳий-педагогик синовдан ўтказиб, уларға зарурий йўлланмалар бермоқда. Эндиликда мустақил ҳаёт оstonасида турган ёшлар касб танлашда адашмайдилар.

— Жаҳонда, айниқса, Фарбда шахс таркиби ва унинг мазмуни алақачон олимларнинг синчков назарига тушган. Шахс мўъжизаси ҳар хил усулларда ўрганилмоқда ва бунинг натижасида ундан илмий ва амалий мақсадларда фойдаланилмоқда, — деди Республика ташхис маркази бошлиғи, психология фанлари доктори Ботир Қодиров «Туркистон-пресс» муҳбириға. — Марказимиз жаҳон олимларининг ана шу тажрибаларига суянган ҳолда болаларни соғломлаштиришнинг ташкилий, илмий, дастурий таъминот соҳаларида методик ёрдамни амалға оширяптим. Бу йил марказимиз томонидан «Қадриятлар йўналишлари сапономаси», «Қизиқшлар харитаси», «Синф зукколарини танлаш», «Шахс йўналганлигини аниқлаш методикаси» қўлланмалари ишлаб чиқилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда туман, шаҳар халқ таълими бўлим-

лари тузилмасида шаклланган ўқувчиларни касб-хунарға йўналтириш ва психологик педагогик ташхис марказларининг фаолиятларини мувофиқлаштириб, илмий-педагогик ва маслаҳат хизматларини ташкил этганмиз.

Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчиларининг қизиқишлари, туғма лаёқат, ақлий қобилият ва шахсига хос индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобға олган ҳолда уларни ташхис этиб, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига йўналтирилмоқда. Бу эса мустақил ҳаёт оstonасида турган ёшларнинг ўз лаёқатларига яраша касб танлашларига ёрдам бермоқда.

Бу йил олти ёшли болалар руҳий-ақлий тест синовларидан ҳамда тиббий кўрикдан ўтказилганда республикаимиз бўйича уларнинг бор-йўғи 20,94 фоизгина жисмонан ва ақлан соғломлиги аниқланди. Ташхис маркази томонидан истеъдодли, лексин жисмоний ва ақлий ривожланиш нуқсонларига эга бўлган болалар билан ишлашнинг илгор тажрибалари, бу соҳалар бўйича чет элларда эришилган ютуқларни ўрганиб, таҳлил қилинмоқда. Бундай муаммоларға бағишланган илмий-амалий конференциялар, семинарлар ташкил этмоқда ҳамда ўқувчиларнинг фанлар бўйича олимпиадалари, кўриклар ва танловларни тайёрлаш ва ўтказишда фаоллик қилиб келмоқда.

Танловлар

«КЕЛАЖАГИМИЗ ВА ЭКОЛОГИЯ»

гарови» мавзусидаги тадбирларнинг ижобий самараси эканлигининг гувоҳи бўлдик. 11 та мактаб ичиди Мирзо Улугбек туманидан 222-мактаб биринчи ўринни, Чилонзор туманидан 101-мактаб иккинчи ўринни, Сергели туманидан 305-мактаб учинчи ўрин-

га лойиқ деб топилди. Ўқувчилар халқаро «ЭКОСАН» жамгармасининг совгалари билан тақдирландилар. Халқаро «ЭКОСАН» жамгармасининг раиси Юсуф Шодиметов бундай тадбирлар фақат Соғлом авлод йилида эмас, мунтазам ўтказиб турилишини, экология ва табиати муҳофаза қилиш барчамизнинг бурчимиз эканлигини таъкидлади. **Шоҳида МАҲМУДОВА.**

Киночилар уйида халқаро «ЭКОСАН» жамгармасининг Тошкент шаҳар бўлими ва Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда «Келажагимиз ва экология» мавзусида шахримиз мактаблариди ўтказилган кўрик-танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Кўрик-танловда туманларда ўтказилган танлов голлиби бўлган мактаблар қатнашдилар. Берилган шарт бўйича ўқувчилар

сахна асари тайёрлаб, ўн минут ичиди экологик муаммони кўтариб чиқишлари керак эди. Бу топшириқ ўқувчилар томонидан маҳорат билан ишонарли, тез ва соз ижро этилди-ки, беҳиқир мактабларимизда йил бўйи ўтказиб келинаётган «Соғлом муҳит — соғлом авлод

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасидаги Ички ишлар Бош бошқармаси фахрийлари



Мустақил Ўзбекистонимизнинг ҳуқуқий асоси, она-Ватанимиз равнақининг пойдевори – Асосий Қомусимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир.

Ўтган давр мобайнида Конституциямиз дунё ҳамжамияти томонидан мутлақ тан олинди ва катта обрў-эътиборга сазовор бўлди. Умуминсоний кадриятлар акс этган ва мустақамланган Асосий Қомусимизнинг дунёдаги энг демократик Конституциялардан бири эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлади ва ҳозирда ҳам бу ўз тасдиғини топмоқда.

Асосий Қомусимиз биз ички ишлар идоралари ходимларининг ҳам таянч нуқтаси бўлиб, биз учун Конституцияда белгиланган ҳар бир тамойил муқаддас дастуруламалдир. Конституция талабларини ҳаётимизга бекума кўст тадбиқ этишда, ўзингизнинг бой ҳаётий тажрибангиз, билим ва малакаларингиз билан ёш авлодни тарбиялаб, вояга етказишда, аҳоли тинч-осойишталигини таъминлашда, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишдаги тадбирларда кўрсатаётган жонбозликларда Сиз – фахрийларнинг ҳам хизматларингиз бекиёсдир.

Қадрли фахрийлар, азиз устозлар! Сизни Конституция кунини байрами билан чин қалбдан табриклаймиз!

Сизга мустақам соғлиқ, бахт-саодат, оилавий хотиржамлик ва хонадонингизга файзу барака тилаймиз.

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби.

Биласизми? КИМ ҚАНЧА СЎЗЛАЙДИ?

● Одамнинг сўзлаш тезлиги кадимдан олимларнинг диққат-эътиборларида бўлган. Текширишларга қараганда энг тез сўзлайдиган халқ французлар экан. Улар минутага 350 сўз сўзлайди. Ундан кейинги ўринда японлар туради. Улар 310 сўз, инглизлар — 220 сўз, немислар — 210 сўз сўзлай оларкан. Энг «эринчок» халқ — полинезияликлар бўлиб, улар минутага 50 та сўз сарф қилишади.

Шунда биз ўзбеклар қанча сўзлар эканми?

● Америка хиндустанининг тилида бир сўзлик кўпнинг исми бор. Уни тарихчи қўлланганида «Мен ўнг кирғоқда балик тутяпман, сен сўл кирғоқда балик тутяпсан, ҳеч ким ҳам сув ўртасида балик тутмайди» — овламайди» деган тушуни беради.

● Ер юзи халқи тахминан 300 тилда сўзлайди, 12.000 га яқин шева бор. Агар сиз ўн бир хорижий тилни билсангиз, афсусланмайсиз. Сабаби ер юзининг учдан икки қисми атиги ўн бир тилда сўзлайди. Улар — хитой, ҳинд, инглиз, испан, рус, араб, бенгал, португал, немис, француз ҳамда япон тиллари.

Қидирбой ТУЛАБОВ.

«ОЙНА» МАХОН» DA

Якшанба, 10

8.00 «Аралом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»

8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.

9.10 «Ўзбекистон» телеканали

9.30 «Фаройбот»

9.45 «Умид» намоиш этади: 10.00 «Ватанимга хизмат қилман» 11.00 «Бахтимизга омон бўлинг»

11.20 12.55 ТВ-метео

11.25 2000 йил - Соғлом авлод йили: «Ойналар мактаби»

11.45 «Мисолида дунёву гап» Бадий фильм.

13.05 «Мозиндан бир муъжиза»

13.20 «Сталлар сузи» ақлини куйи»

14.25 «Тухфа». Мусикий дастур.

14.55 ТВ-анонс

15.05 «Спарт уик-энд»

15.35 «Мумноғла куз келди». Мультифильм.

15.50 «Калб гавақри»

16.10 «Ер ва дунё тароналари»

16.45 Рамазон ойининг мубораки! 17.05 «Улмас мерос». О. Хужав.

18.00 «Олтин тож». Телевизион ўзини.

18.25 «Кишлоқ даҳиди уйлар»

18.45 «Мусиқа бекати»

18.55 «Ўзлик». Бадий-публицистик кўрсатуви.

19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ўзлонлар

19.30 «Тахлиннома» (рус тилида)

20.05 «Туртинчи хокимият». Тахлинлий кўрсатуви.

20.30 «Тахлиннома»

21.15 «Яшанба оқшомиди». Мусиқий дам олинди дастури.

21.45 Рамазон тўғриси. «Бизни кечирин». Бадий фильм.

23.00 ТВ-анонс

23.15 «Олам сўз боли»

23.45 «Асар муъжизаси» кинодастури.

23.45 «Ўзбекистон» телеканали

00.05 «Хайр, ширин ораулар». Бадий фильм. 2-қисм.

1.15-1.20 Ватан тинсоллари.

7.55 Кўрсатувлар тартиби.

8.00 «Давр тонги»

9.00 «Ўнги авлод» студияси: «Оқ набулар», «Мультишоша»

9.35 «Фугбол плас»

9.55 «Мусиқий лаҳзалар»

10.05 «Ёшлар овози»

10.25 «Дастлақ»

10.45 «Лал бор»

11.10 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. «Марду-майдон», 2. «Аскар мактублари», 3. «Аскар хатомалари»

12.25 «Сени излаб» Телевизион бадий фильм.

13.00 «Донир» Файз куйлади

13.25 «Динозаврлар билан сайр» Телевизион 3-қисм.

13.55 «Меҳр кўзиди». Паркент тумани меҳнатқашлари билан учрашув (тақдир)

14.35 «Мудҳиж хато». Бадий фильм.

15.05 «Тафаккур йўқинлари»

16.20 «Олтин мерос»

16.30 «Ўнчи сайра» маърифий дастури: «Халқоқат»

17.20 Кўрсатувлар дастури.

17.25 «Ўнги авлод» почтаси, «Шум болалар», «Мультишоша»

18.05 «Синдони»

18.25 «Ўчин»

18.45 «Оқшом навалари»

18.55 «21.55 «Иккин»

19.00 «Давр»-news

19.15 «Яшанбада кўришунга»

19.30 «Кўра оҳанглари». Ўзбекистон халқ артисти Маммурихон Тўхтасинов.

19.55, 21.00, 22.40 Ўзлонлар

20.00 «Чангак» Видеофильм.

21.05 «Маслаҳат»

21.50 «Мусиқий лаҳзалар»

22.00 «Давр»

22.45 «Ёшлар» телеканалида премьераси «Ўнчи авлод» Бадий фильм.

0.15-0.20 «Хайрли тун»

9.00 Кўрсатувлар тартиби.

9.05 «Ўнги» дастури.

10.05 «Эрталабнинг сеҳрин оламира»

10.45 «Парле ва француз»

12.10 «Ўзбекистон» ақлиниқлари (инглиз тилида)

12.40 «Болалар оламини»

12.45 «Сен танам» (болалар учун инглиз тили)

12.50 «Клип-антракт»

13.00 Кинематограф. «Хизматкорнинг синглиси» Бадий фильм.

14.30-15.35 «Дустилик» видеоканал: «Ренгисаксон», «Дидар», «Маширик оҳанглари»

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 «Тендошлар»

18.20 СФН тақдим этади: «Байрамлар кўрпе»

18.50 Д. Тухманов. «Хотирам туқинлариди» В. Леонтьев, С. Ротару, Л. Лещенко ва бошқа юлдашлар иштирокидаги концерт дастури. 2-қисм.

21.00 «Бизмас-дево»

21.10 «7 дан 70 га»

21.35 Д. Тухманов. «Хотирам туқинлариди» В. Леонтьев, С. Ротару, Л. Лещенко ва бошқа юлдашлар иштирокидаги концерт дастури. 2-қисм.

00.10 Тахлиннома (рус тилида).

00.40 «Тунингиз осуда бўлинг»

ИЗЛАМА

Дил, иймнинг соғ эмасдур ҳариз вафо излама,
Хаста дарда шифо бер-у вале баҳо излама.
Ет сўхат қадрига ҳар вақт сўнгера асо излама,
Гар бало чиқса ўзингдан бекор даво излама.

Дил фасод дил қораларнинг қорлари элга аён,
Ниш уриш касби эрур соғф жорамка беомон.
Минг шукрим яхшилар кўп чалпа айланмас замон,
Мансабга кўл мунофиқдан асло ҳаё излама.

Бу дунёда симу зардин ким топибди эътибор,
Борига қилган қаноат бўлмас муҳтож хору зор.
Ҳар кимса қочиб қутулмас манглайида неки бор,
Тахт бебаҳо, зар омонат ундан сафо излама.

Меҳрсизни юмшатолмас дарё кўз ёш, дард, нидо,
Минг насиҳат айла зоё қилсанг ҳамки жон фидо.
Ким ёмон бўлса битилмиш қилмишига бир жазо,
Эй Шукур ҳатто ғанимга бевақт қазо излама.

АБДУЛЛА ОРИПОВГА

Дерларки ээси ёққан чироқни,
Банда минг уринсин сўндирма олмас.
Биров насибасин теролмас биров,
Ўзича бахт кушин қўндирма олмас.

Илоҳий неъматга қалб бўлди ошно
Меҳнат инъом этди шухрат-у шонни
Ҳа толе юксалур зероки истак —
Баҳи этмоқ, бир умр халқ учун жонни.

ТАВАЛЛО

Майли, жабр тиги тилсин бу таним,
Андуҳ тошларига урилсин бошим.
Майли, ҳузур қилсин ҳолимдан ғаним,
Майли, юз ўзирсин дўстим-сирдошим.

Майли, билмасиллар заррача қадрим,
Дард-ситам газига тўлай тилмай бож.
Аммо бир ўтинчим сенга эй тангирим,
Бир зум ҳам этмагил номарда муҳтож.

ТЎРТЛИКЛАР

Меҳнатинг, захматинг пандалинг бекор,
Юракдан ўчмаса ҳасад, хийнат.
Меҳр ва оқибат қолур луғатда,
Томирда оқмаса инсоф, дийнат.

Дунёга хирс қўйма, қўймағил
Ихлоос,
Англағил бу иллат Фиравнга хос,
Илму ҳунар изла зеро билларга,
Набий Мухаммаддан қолган
бу мерос.

Тилда вағда бердинг,
Дилда эт исбот.
Шунда саналурсан
Сен одамийот.

Ёшлик ҳам чекинди,
Омон бўлсин бош.
Меҳмон бўлди бузун,
Мана эллик ёш.

Ватан заминига қадам қўйса ёт,
Ороминг йўқолур дор бўлур ҳаёт.
Қадрин бил Ватанин мисоли она,
Опадек у улур буюк ягона.

Дилингда гашик бор, аммо
тилингда,
Бу кун «Устоз» деи хитоб айладинг.
Пиринг ҳолатига тушинг сен чоғи,
Энди ёд айламакни шитоб айладинг.

Дилдан отилган туйғу,
Билинг, юрак амри бу.
Ҳар бир сапни қатраси.
Англагил, умрим лаҳзаси.

Тансихат даврда гурура дилга,
Шайтоний ҳисларни қамраб оламиз.
Забт этгач хасталик
бир мучалимиз,
Тавба деб раҳмонни излаб қоламиз.

Ўнги хавфсизлиги ойлиги САМАРАЛИ ТАРФИБОТ НАТИЖАЛАРИ

Одиллов бирикма ёш зобитларига ён-гиндан сақлаш ходимларининг аҳоли орасида ўтказадиган учрашувлари юзаки ҳисобот учунгина эмас, балки сизларнинг ҳар бир учрашуви ва тушунтириш ишларингиздан кейин учрашув қатнашчилари ён-гиннинг келиб чиқишига асосий сабабчи ҳар бир ин-тилар билан жиҳозланган кўча ташвиқот-тарғибот девори ҳамда ён-гин содир бўлган жойларда ён-гин чиқишига сабабчи бўлган ускуналар ва ашёвий далилларни учрашув қатнашчилари эътиборига ҳавола қилган ҳолда газ, электр тармоғи, «Сувос» трести мутасаддилари билан ҳамкорликда ўтказмоқдалар. Ушбу учрашувларни газ, электр тармоғи ва «Сувос» трести мутасаддилари билан ўтказишимиздан асосий мақсад жойларда фуқаролардан тушган саволларга жавоб қайтариш ва муаммоларни ижобий ҳал қилишдир. Ушшоқлик билан ўтказилаётган ушбу тадбирлар натижасида жорий йилнинг 10-ойи мобайнида ўтган 1992 йилнинг шу даври мобайнида содир бўлган ён-гинлар сони 16 фоизга қисқарган, яъни 1999 йилда 158 та, 2000 йилда 138 та ён-гин содир бўлган. Ён-гин оқибатида қурилган моддий зарар 1999 йилда 3023205 сўмни ташкил қилган бўлса, 2000 йилда 870942 сўмни ташкил қилган, яъни 72 фоизга камайган. Ён-гин натижасида 1999 йилда 3 инсон ҳалок бўлган бўлса 2000 йилда 1 инсон ҳалок бўлган.

Хурматли ҳамшарқлар! Сизлардан яна бир бор «Ён-гин хавфсизлиги ойлиги»да фаол иштирок этишингизни сўраймиз.

Зайнитдин ЮСУПАЛИЕВ,
Сергеи тумани, 9-Ҳарбийлаш-тирилган ён-гиндан сақлаш бирик-маси бошлиғининг ўринбосари,
ички хизмат майори.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ ВА «ТУФИН» ҚУШМА КОРХОНАСИ

2000 йил 24 декабрдан 2001 йил 10 январгача

ЦИРКАДА АРЧА САНТА КЛАУСНИНГ

Янги йил саргуаштлари ҳамкорликдаги Янги йил арчаси томошаларини ТАШКИЛ ЭТАДИ

Болаларга «ТУФИН» қўшма корхонасининг совғалари берилади.

Томошалар: 10, 12, 14, 16 ва 18.00 да бошланади.

Читмаиари олдиндан сотиб ташкил қилинади.

Читмалар цирк кассаларида ва туман кассалари томонидан сотилади.

Жамоа бўлиб келиш учун талабнамалар қабул қилинади.

Касса эрталаб соат 9.00 дан очил.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-29-04, 144-35-91, 144-35-33.

Янги йил томошаларини ўтказувчи ташкилотлар диққатига!

Очиқ турдаги «НОН-ПАСТА» хиссадорлик жамияти қуйидаги таркибдан иборат янги йил совғаларини тайёрлайди ва сотади:

Ўралган вафиллар, 4 хил турда — 30-40 граммдан.

«Гулливер»

«Маймоқ айиқ»

«Анаасли»

«Оқ олтин»

«Садко»

«Шарқ»

шоколадли конфетлари.

100 граммдан қилиб ўралган «Чой билан истеъмол қилинадиган» печеньееси.

Барча маҳсулот сертификатланган ва Германияда ишлаб чиқарилган технология линияларда тайёрланган.

Битта совганинг нархи 510 сўм, 610 сўм, 675 сўм, 740 сўм.

Мурожаат учун телефонлар: 72-02-91, 72-02-93.

Тошкент шаҳар Яққасарой туман 1-сонли давлат нотариал идорасидаги битта ўрни бўш нотариуслик лавозимига нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлганлар учун танлов ўтказилади. Унга қатнашишни истаганлар бир ой муддат ичида Адлия бошқармасига мурожаат қилишлари лозим.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар Фан ва таълим ходимлари касабга уюшмалари қўмитаси, туманлар халқ таълими бўлимлари жамоалари бош бошқарма бошқабанининг ўринбосари Н. О. Рўзикулова падири бузруквори

ОРЗКУЛ отанинг вафот этганини муносабати билан чуқур таълим изхор қилдилар.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефони мурожаат қилишингиз мумкин.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Хажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.